4297/2142

| | |
|---|---|
| **“Тасдиқланган”**<br>**“NAVOIYDONMAHSULOTLARI ” ochiq aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгашининг 2013 йил 9 октябрдаги йиғилиш қарори билан**<br>**Йиғилиш раиси Э.Т.Эсанов**<br>____________________<br>**2013 йил “ 9 ” октябр № 10**<br>**М.Ў** | **“Рўйхатдан ўтказилган”**<br>**Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази Бош директори Б.Атаханов**<br>____________________<br>2013 йил “24” декабр № Р0288-7<br>**М.Ў** |

**АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

**Эмитент - “NAVOIYDONMAHSULOTLARI ” ochiq aksiyadorlik jamiyati**

| **Идентификация рақами берилди: (оддий)** | RU1D7P02 88T4 |
|---|---|

**Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий, номинал қиймати 800 (саккиз юз) сўм бўлган 154 785 600 (бир юз эллик турт миллион етти юз саксон беш минг олти юз) сум сўм миқдоридаги 193 482 (бир юз туксон уч минг тўрт юз саксон икки) дона акциялар.**

Ушбу чиқариладиган акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши еттинчи чиқарилишдир.

“NAVOIYDONMAHSULOTLARI ” ochiq aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгаши йиғилишида тасдиқланган “ 9 ” октябр 2013 йилдаги 10-сонли баённома.

“NAVOIYDONMAHSULOTLARI ” ochiq aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгаши йиғилишида акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор қабул қилинган “ 9 ” октябр 2013 йилдаги 10-сонли баённома.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: Навоий *вилоят Навоий шаҳри, Спутник кургони 3; тел: 8 (436) 22—6-44-65, 22-6-44-62.*

**Эмитентнинг раҳбари:** **Ш.И.Шарипов.**

**Бош бухгалтер:** **И.И.Хайдаров.**

Муҳр

Сана “ 9 ” 10 2013й.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **800**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **193 482**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **154 785 600**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- Жамият акциядорлари реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо хисоб-варакидан узларига тегишли булган кучирмани олиш;
- Жамият фойдасининг бир кисмидан дивидентлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилганда узига тегишли улушга мувофик мол-мулкнинг бир кисмини олиш;
- Жамиятни бошкаришда иштирок этиш;
- Жамиятни уставига мувофик жамиятнинг молиявий-хужалик фаолияти натижалари тугрисида тулик ва тугри ахборот олиш;
- олинган дивидентдан эркин тасарруф этиш;
- кимматли когозлар бозорини тартибга солиш буйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда уз хукукларини химоя килиш;
- Жамиятнинг укувиз ёки гаразли хатти-харакатлари туфайли курган зарарни туланишини талаб килиш;
- кимматли когозлар сотиб олиш вактида зарар куриш ва (ёки) фойданинг бир кисмини йукотиш эхтимоли билан боглик таваккалчиликни сугурталаш хукукига эга;
- уз манфаатларини ифодалаш ва химоя килиш максадида уюшмалар ва бошка жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- шунингдек акциядорлар амалдаги конунчилик ва Жамият уставида курсатилган бошка хукукларга хам эга.

7.Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” ochiq aksiyadorlik jamiyati акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорига асосан ушбу чиқарилувдаги акциялар ташкиллаштирилмаган биржадан ташқари бозорда ёпиқ обуна йули билан давлат улушига жойлаштирилади.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **594 939 200 (беш юз тўқсон тўрт миллион тўққиз юз ўттиз тўққиз минг икки юз) сум**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **742 111 дона эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий, 1563 дона эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, имтиёзли акциялар жойлаштирилган**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Эмитент томонидан корпоратив облигациялар чиқарилиши амалга оширилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1.Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

**Ушбу чиқарилувдаги акциялар ташкиллаштирилмаган биржадан ташқари бозорда ёпиқ обуна йули билан давлат улушига (Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси) жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: **Чиқарилаётган акциялар Қимматли қоғозлар бозорни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил муддатда жойлаштирилади.**

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – **қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун.**

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – **ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг энг охиргиси жойлаштирилган кун, лекин акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги акциялар ташкиллаштирилмаган биржадан ташқари бозорда *фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан давлат улушига (Ўзбекистон* Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси) жойлаштирилади. Андеррайтер жалб қилинмайди.**

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати): **Жамият акцияларини саклаш, акциядорлар реестрини шакллантириш ва Қимматли қоғозлар бўйича эгалик қилиш ҳуқуқларни ҳисобини юритиш Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан амалга оширилади.**

Тўлиқ номи: **Қимматли қоғозлар марказий Депозитарийси Давлат унитар корхонаси;**

Манзили, почта адреси - **Тошкент шахри, Бухоро кўчаси 10-уй, тел: 8-371-233-13-69;**

Лицензия – **йук;**

Ташкилий-хукукий шакли – **давлат унитар корхонаси**.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: **Ушбу чиқарилувдаги акциялар ташкиллаштирилмаган биржадан ташқари бозорда ёпиқ обуна йули билан давлат улушига жойлаштирилиши муносабати билан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган.**

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Мазкур чиқарилишдаги акциялар бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

**Ушбу чиқарилишдаги жамият акциялар жамиятнинг солиқдан бўлган қарздорлиги ҳисобига давлат улушига жойлаштирилади. Акцияларга тўлов**

**жамият ва солиқ органи ўртасида тегишли далолатнома тузиш йўли билан амалга оширилади.**

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): **Акциялар чиқарилувининг 60 фоизидан кам бўлган миқдори (116 090 дона) жойлаштирилган тақдирда, ушбу акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилади.**

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: **Акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов 10 кун муддат ичида қайтариб берилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: **Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтганлигини тўғрисидаги ахборот Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг расмий сайтида (www.csm.gov.uz) эълон қилинади.**

**Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг асли ва нусхалари билан Навоий шаҳри, Спутник қўрғони, 3 уйда танишишлари мумкин.**

13. Бошқа маълумотлар. **Йўқ.**